

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ЧУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ  
ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



**ПАЁМИ ДОНИШКАДА  
ТАФАККУРИ ТАЪРИХ  
АНВОРИ ИЛМ**

**№1,2, 3 - 2024**  
\*\*\*

**ВЕСТНИК ИНСТИТУТА  
ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ  
СВЕТОЧ НАУКИ**

**№1,2, 3 - 2024**

**BULLETIN OF THE INSTITUTE  
KNOWLEDGE OF HISTORY  
LIGHT OF SCIENCE**

**№1,2, 3 - 2024**

**Нашри маҳсус/Специальное издание/Special edition**



**Панҷакент-2024  
[https// Dotpanj.tj](https://Dotpanj.tj)**

---

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОЧИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ  
ТОЧИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАВОДИ**

**АНҶУМАНИ ИЛМӢ-АМАЛИИ БАЙНАЛМИЛЛАЛИИ “ХОНИШҲОИ VI – УМИ  
АРТУЧ” БАХШИДА БА “МАСОИЛИ МУБРАМИ ИЛМҲОИ ПЕДАГОГӢ,  
ИҼТИМОЙ-ГУМАНИТАРӢ ВА ФАНҲОИ ДаҼИҚ ДАР ЗАМОНИ МУОСИР”, 4-6  
ИЮЛИ СОЛИ 2024 ДАР ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ ТОЧИКИСТОН ДАР  
ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАТЕРИАЛЫ**

**НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ “VI – Е  
АРТУЧЕВСКИЕ ЧТЕНИЯ”, ПОСВЯЩЕННОЙ «АКТУАЛЬНЫМ ВОПРОСАМ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ, СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ  
НАУК В СОВРЕМЕННОЕ ВРЕМЯ», 4-6 ИЮЛЯ 2024 ГОДА В ТАДЖИКСКОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ В ГОРОДЕ ПЕНДЖИКЕНТ**

**MATERIALS**

**SCIENTIFIC AND PRACTICAL INTERNATIONAL CONFERENCE “VI - S ARTUCHS  
READINGS”, DEDICATED TO “ACTUAL ISSUES OF PHILOLOGICAL, SOCIAL,  
HUMANITARIAN AND NATURAL SCIENCES IN MODERN TIMES”, JULY 4-6, 2024  
AT THE TAJIK PEDAGOGICAL INSTITUTE IN THE  
CITY OF PENJIKENT**

**МУАССИС:**  
Донишкадаи омӯзгории  
Тоҷикистон дар ш.Панҷакент

**МАВОДИ** Анҷумани илмӣ-амалии байналмиллалии “Хониҳои VI – уми Артуҷ” баҳшида ба “Масоили мубрами илмҳои педагогӣ, иҷтимоӣ-гуманитарӣ ва фанҳои дакиқ дар замони мусоир”, 4-6 июля соли 2024 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. Ҷилди I. - 735 с.

**МАТЕРИАЛЫ** Научно-практической международной конференции “VI – е Артуҷевские чтения”, посвященной «Актуальным вопросам филологических, социально-гуманитарных и естественных наук в современное время», 4-6 июля 2024 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент. Том I. - 735 с.

**MATERIALS** Scientific and practical international conference “VI - s Artuchs Readings”, dedicated to “Actual Issues of Philological, Social, Humanitarian and Natural Sciences in modern times”, July 4-6, 2024 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent. Vol. I. - 735 s.

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷалла омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор наомаданаш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола, пайнавиштҳои дараҷаи илмӣ, услугуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо маъсуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always coincide with the opinion of the authors.  
The authors are responsible for the reliability of citations and references, the scientific level, and the style of the articles.

Дар вазорати фарҳангӣ Ҷумҳурии Тоҷикистон аз 10.04.2023 ба қайд гирифта шудааст (№1283/МЧ-97, №284/МЧ-97, №285/МЧ-97)

**Сармуҳарри:**  
Аисорӣ Муаззамхон, профессор  
**Муҳаррири масъул:**  
Воҳидов Шодмон, д.и.т., профессор  
**Котиби масъул:**  
Шарифова Гулпарӣ, н.и.ф., дотсент

**Манзил:**  
735500, Ҷумҳурии Тоҷикистон, вилояти Суғд, ш.Панҷакент, хиёбони Рӯдакӣ – 106. t-mail: pamir555@inbox.ru

**Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная  
коллегия:**

Аминов Б. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Аҳанов Б.Ф. к.и.н. дотсент (Қазоқистон),  
Ғаффоров Ш.С. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Ғойибов Б.С. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Джумаев М.И.н.ф.пед., профессор (Ӯзбекистон)  
Иноятов С.И. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Исакова М.С. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Бадриддинов С. н.и.т. дотсент (Ӯзбекистон)  
Қобулов Э.О., д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Қурбонов Ш. Ф. н.и.бостон. (Тоҷикистон)  
Лурье П.Б. д.ф.ф. (Россия)  
Мирзаев Н. М. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Мирзоюнус М.М.д.ф.ғ., профессор (Тоҷикистон)  
Муминов А.Қ. т.ф.д.профессор (Туркия)  
Муҳамедова Д.Ғ. д.ф.равон.профессор (Ӯзбекистон)  
Набиев В. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)  
Наҷмиддинов Ф.Н. д.ф.и. дотсент (Тоҷикистон)  
Накқош И. Нависанда ва шоир (Тоҷикистон)  
Нормуродова Г.Б. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Боқӣ Набиҷон, нависанда (Ӯзбекистон)  
Расулов А.И. д.ф.равон.профессор (Ӯзбекистон)  
Раҳимов Н. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)  
Резван Е. д.ф.т.профессор. (Россия)  
Саидов И.М. д.ф.т.профессор (Ӯзбекистон)  
Сафаев Н.С. д.ф.равон.профессор (Ӯзбекистон)  
Сафаров Т. Т.ф.н.дотсент (Ӯзбекистон)  
Турсунов С.Н. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Ҳайитов Ш.А. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Холиков Р.Э. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Холиқулов Т. д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Шамсиев Ӯ.Б. д.ф.равон.профессор (Ӯзбекистон)  
Шанкар М. (Исройл)  
Шодиева Ш. PhD аз фанни таъриҳ.  
(Ӯзбекистон)  
Эргашев Б.Э. д.ф.т. профессор (Ӯзбекистон)  
Эргашев Ж.Ю.PhD аз фанни таъриҳ.  
(Ӯзбекистон)  
Эркинов А. С. д.ф.ғ., профессор (Ӯзбекистон)  
Эрназаров Ф.Н.д.ф.т. профессор (Ӯзбекистон)  
Эшов Б.Дж, д.ф.т., профессор (Ӯзбекистон)  
Эшонқулов И. н.ф.ғ., дотсент (Ӯзбекистон)  
Шарифзода Мирзоҳамдам, рӯзноманигор,  
нависанда (Тоҷикистон)

**Нашри маҳсус**  
Специальный выпуск  
Special edition

© ДОТП, “Анвори илм”, соли 2023.

12. Bekova N., Sayliyeva M. The interpretation of praise in the east literature //Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии. – 2015. – №. 12. – С. 147-151.
13. Jurayevna B. N. Potential of language and artistic art //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 63.
14. Jurayevna B. N., Nuriddinovna X. N. Alisher Navoi's Interpretation Of Asmai Husna In Bilingual Poetry //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 216-222.
15. Bekova N. THE ANALYSIS OF MUKHTARA GAZALS OF NAVOI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 14. – №. 14.
16. Juraevna B. N., Khudoyorova N. Mukhtara-an example of discovery and invention (on the example of Foni's poems) //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2021. – Т. 8. – №. 1. – С. 1463-1469.
17. Jurayevna B. N. A WORTHY RESPONSE TO HAFIZ'S GHAZAL //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 227.
18. Jorayevna B. N., Nigora K. Autonomous Ghazals Of Alisher Navoi //JournalNX. – Т. 7. – №. 02. – С. 1-2.



Бекова Назора,

Бухоро давлатуниверситети профессори (Ўзбекистон, Бухоро)

Ҳаёт Латипов, Бухоро давлатуниверситети доценти(Ўзбекистон, Бухоро)

Зарина Сайлиева, Бухоро давлатуниверситети доценти(Ўзбекистон, Бухоро)

bekova.nazora@mail.ru

Telefon va telegram raqami: +99 891 448 71 42

## “ГУЛШАНИ РОЗ” ҲАМДА “ЛИСОН УТ-ТАЙР” АСАРЛАРИДА СЎФИЙЛИК ВА ИРФОН ТАЛҚИНИ

**Аннотация:** ушбу мақола “Гулшани роз” ҳамда “Лисон ут-тайр” асарларида илгари сурилган изфоний ғоялар талқини ва уларда кўлланган ғайри исломий сўзларнинг истилоҳий моҳияти ҳамда Маҳмуд Шабустарий ва Алишер Навоий асарларининг муштарак жиҳатлари тадқиқига бағишиланган.

**Калит сўзлар:** ирфон, маърифат, шариат, тариқат, ҳақиқат, сидку садоқат, шиҷоат, иффат, адолат, зуннор боғламоқ, риё, бут, бутпараст, тарсо, тарсобача, куфр, гумроҳ, огоҳ, ориф, зулф, юз, хат, хол.

Маҳмуд Шабустарий – мусулмон халқлари маънавий оламини юксалишида муносиб ҳисса қўшган Форс-тожик адабиётининг етук шоири. Хайёмпурнинг "Фарҳанги суханварон" номли китобида қайд этилишича, йигирмадан ортиқ илмий ва адабий манбаларда Шабустарийнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар баён этилган<sup>1</sup>.

Маҳмуднинг ёшлигиданоқ шеър, адабиёт, айниқса, тасаввуфга меҳри ва иштиёки жуда баланд бўлган. У бошланғич маълумотни туғилган маскани Шабустарда олган. Кейинчалик,

<sup>1</sup>Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 7; Латипов X. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-60; Шабустарий М. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 4-5

ўша даврнинг машхур мутасаввиф олимлари Баҳоаддин Ёкуб Табризий, Ҳофиз Ҳусайн Карбалоийларнинг қўлида тарбия топган. Унинг “Гулшани роз” асарида бу ҳақда шундай байтлар бор:

دادى الحق خوابهای چن  
کافرین بر روانی باکش باد<sup>1</sup>

شيخ و استاد من امين الدين  
من نديم ذكر چنان استاد

(Шайх ва устоди ман Аминиддин,  
Доди ул-хақ жавобҳои чунин.  
Ман надидам дигар чунон устод,  
Ки офарин бар равони покаш бод).

**Мазмуни:** Менинг шайх ва устозим Аминиддин. У менга азал сирларидан кўп сабоқлар берди. Унинг покиза тариқат йўлига офарин.

Шабустарий “Гулшани роз”дан аввал “Ҳаққул-яқин” (“Ишончли ҳакиқат”), “Рисолаи шоҳид” (“Шоҳид ҳакида рисолалар”), “Миръот ул-муҳаққиқин” (“Орифлар кўзгуси”) ва “Минҳож ул-обидин” (“Тақвадорлар йўли”) каби асарларни ёзган. Лекин унинг номини дунёга машхур килган китоб “Гулшани роз” бўлган<sup>2</sup>. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бу ҳақда “Насойим ул-муҳаббат”да шундай дейди:

“... Яна “Шоҳид”дурки, ул ҳам ишорат аҳли тили билан маориф баён қилибдур, ул дағи таърифдин мустағнийдур. ..Яна “Гулшани роз”дурким, ҳам зоҳир аҳлиниң рангину пуркор маснавийлари ва ҳам ҳакиқат аҳлиниң ширину файзосор сўзларида андин равонроқ ва пурчошнийроқ ва шўрангизроқ ва шавқомизроқ назм айтса бўлгайки, йўқдур<sup>3</sup>!

Дарҳақиқат, “Гулшани роз” факат тасаввуф аҳлиниң эмас, балки сўфийлик ва ирфон сир-асори билан қизиқкан, деярли, барча табақадаги ўкувчилар эътиборини жалб эта олган бетакрор асардир. Шабустарийнинг ҳаёти ва адабий меросини тадқиқ этган олим – Орифи Сайёр келтирган маълумотларга кўра, Сохибқирон Амир Темур Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си билан бир қаторда “Гулшани роз”ни ҳам иштиёқ билан мутолаа қилгани, айниқса, бу асардан беҳад завқ олгани ва унинг шарофатидан Озарбайжонга кўшин тортганида, Маҳмуд Шабустарийнинг ватани бўлгани учун ҳам Шабустар кентини четлааб ўтганини айтади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.3

<sup>2</sup>Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 6; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-58; Sebusteri.Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari,1989. – Б. 4

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: . Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.466-467; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-58.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: “... Дар он мавқеъ ду китоброки ҳар ду ба забони форсий навишта шуда аст ҳавондам, яки “Маснавий” толиф Жалолиддин Румий ва дигари “Гулшани роз” толиф Шайх Маҳмуд Шабустарий. Ҳар ду китоб шеър аст, ва ман аз ҳавондани китоби “Маснавий” саҳт мутнафар шудам, ва бильъакс, аз ҳавондани китоби “Гулшани роз” лазат бурдам... Ман ба қадри ҳавондани “Гулшани роз” лазат бурдамки, баъд аз инки Озарбайжонро ба хун ва оташ кашидан аз катли ом сакнаи шабустар худадорий кардам, зеро сароянда “Гулшани роз” шабустарий буд. Рӯзики ман ба Шабустар расидам, мардум азбими жон гирехта буданд. .. Китоби ў ба исми “Гулшани роз” хайли чизҳо омухтам ва Шайх Маҳмуд Шабустарий дар он китоб маро бо асрори азалий ва ибдию ошно кард”.

Мазмуни: Форс тожик тилда ёзилган ҳар икки китоб: бири, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си ва иккинчиси, Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарларини ўқиши баҳтига мұяссар бўлдим. Айниқса, Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарини ўқиб лаззатландим. Мен Озарбайжонга лашкар тортганимда, Шабустар аҳлини катли ом қилишдан воз кечдим. Чунки, Шабустар “Гулшани роз” муаллифининг ватани эди. ... “Гулшани роз” дан мен анча нарсаларни билиб олдим. Ва Шайх Маҳмуд Шабустарий ўз китоби билан мени азал ва ибтидо сирларидан хабардор айлади. Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.25

Темурийзодалардан Абул Қосим Бобур ҳам ушбу асарга ошуфта бўлганилигини Алишер Навоий "Тасаввуф рисолаларидин "Ламаъот" била "Гулшани роз"га кўп машуф эрди"<sup>1</sup>, - дея таъкидлайди.

"Гулшани роз"да илгари сурилган ирфоний ғоялар остида бир қанча нодир китоблар яратилган. Асарни турк тилига ўтирган олим Абдулбоқий Гулпинорлининг айтишича, Имади Фақийнинг "Мисбах ул-хидойё", Иброҳим Теннурийнинг "Гулзорнома"си шундай китоблардандир. "Гулшани роз" нафакат шарқ олимлари, балки ғарб олимлари эътиборини ҳам ўзига қаратса олган асар бўлиб, у араб, турк, урду тилларига таржима қилиниши билан бир қаторда инглиз, олмон ва рус тилларига ҳам ўтирилган<sup>2</sup>.

Шабустарийнинг ушбу манзумаси ҳажман кичик бўлса ҳам, моҳият эътибори билан теран асардир. У ҳижрий 717, милодий 1319 йилда, Амир Ҳусайн Табризийнинг талаби билан Амир Ҳусайн Ҳиравийнинг саволларига жавоб тарзида яратилган. Ўшанда шоир чамаси 30 ёшларда бўлиб, илму ирфонни мукаммал эгаллаган ва юксак маънавий мақомларга эришганди. Буни муаллифнинг:

کرشهه هفت و ده از هفتاد سال ز هجرت ناکهان در ماه سوال<sup>3</sup>

Гузашта ҳафт ва даҳ аз ҳафтсад сол,

Зи ҳижрат ногаҳон дар моҳ савол.

Яъни, "ҳижрий 717 йилда, кутимаганда, менга савол йўлладилар", - сўзларидан ҳам англаса бўлади.

Ҳусайн Ҳиравий йўллаган саволлар анча вақтлардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ориф, маъруф, Аналҳақ, ваҳдат, касрат, сайру сулук, шароб, шамъ, кўз, лаб, зулф, хат, хол, куфр, бут, бутпараст, зуннор, тарсо, тарсобача, харобот каби ирфоний тушунча ва истилоҳлар мазмун-моҳиятига қаратилган бўлиб, булар Шабустарийни орифнинг маънавий-рухий камоли – ҳоли ва орифлик мақоми ҳакида чукур мулоҳазалар юритишга ундан ёзидан олдин яшаб ўтган ҳамда ўз замондошлари бўлган машхур мутассавиф-алломаларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибордан четда қолдирмайди. Бильякс, уларга таяниб фикр юритади.

Чунончи, Жунайд (Бағдодий) дейдики, орифликнинг боши барча илмларни Аллоҳдан деб билишдир, киши "ӯзи эгаллаган илмларни ҳам Ҳақ камолининг ифодаси одам илмини эса нисбий, нуқсонли ва Аллоҳ илмига нисбатан тўлишиб борадиган" дея ҳисоблашдан бошланади<sup>4</sup>. Бу ҳақда "Гулшани роз"да қуйидаги сатрлар бор:

دکرباره در آن کر نیست تا بید هر آبینه که باشد محض تقاید

هر آن کس را که ایزد راه ننمود ز ایستعمال منق هیچ نکشود<sup>5</sup>

(Дигарбора дар ў гар нест таъид,

Ҳар оина, ки бошад маҳзи тақлид...

..Ҳар он касро, ки Эзад роҳ нанмуд,

Зи истеъмоли мантиқ ҳеч накшуд).

**Мазмуни:** Агар Аллоҳдан бир мадад бўлмаса, зоҳирий тартиб-қоидаларга зўр бериб амал қиласанг ҳам, кўнглингда ҳеч бир моҳият касб этолмайсан. Яъни, Яратганинг ўзи қалбингга назар солмас экан, зоҳир илми билан маърифатга асло эришолмайсан.

Шабустарий илм ва унинг хусусиятлари ҳакида мулоҳазасини баён қиларкан, илмнинг бир бутунликдаги умумий кўриниши (қол илми + ҳол илми) – маърифат

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 277

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 19-20; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг "Гулшани роз" асари ҳакида. //Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б.57-58; Şebusteri. Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari, 1989. – Б.4; Шабустарий М. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б.4-5

<sup>3</sup> Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.6

<sup>4</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б.279 -280

<sup>5</sup> Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.61-62

(ирфон илми)ни данакка қиёс этса, алоҳида хусусий кўриниши жиҳатдан қол илмини – “данакнинг пўсти”, ҳол илмини – “данакнинг мағзи” деб атайди. Шу билан бирга уларнинг умумийлик ва хусусийлиги, ўхшаш ва зид томонлари, афзаллик даражаларини мумкин қадар мукаммал тавсифлашга ҳаракат қиласи. Чунончи, шоир айтади:

نیابد مغز هر کو پوست نشکست	ز جوزش قشر سبز افتاده در دست
به نسبت با علوم قال با حال	از آن جا بازدان احوال اعمال
که صورت دارد آلا نیست معنا	نه علم است آنکه دارد میل دونیا
ملک خواهی، ساک از خود دور انداز <sup>1</sup>	نکردد جمع هرگز علم با آز

(Зи чавзаш қишири сабз афтода дар даст,  
Наёбад мағз ҳар к-ӯ, пўст нашкаст.  
Аз ин чо боздон, аҳволи аъмол,  
Ба нисбат бо улуми қол бо ҳол.  
На илм аст он ки дорад майли дунё,  
Ки сурат дорад, аммо нест маъно.  
Нагардад ҷамъ ҳаргиз илм бо оз,  
Малак ҳоҳӣ, саг аз худ дур андоз).

**Мазмуни:** Данакнинг пўстини синдириб магзни олмагунча мақсад ҳосил бўлмаганидек, илмларни эгалламагунча ирфон илми асрорини англай олмайсан. Яъни, орифлар мақомига эришиб, гўзал Ҳурлиқо (Аллоҳ) жамолини қалб оиласида кўрмоқ истасанг, маърифат нурлари ила маънавий-руҳий оламингни мунаввар қил. “Нафс” деб атальши итни кўнгил хонасида ҳайда. Унинг майллари қутқуси ва таъмасидан буткул қуттилгин.

Шабустарийнинг наздида бутун олам – Аллоҳ нурининг зухурланиши эрур. Ҳақнинг кўринмаслиги шу нурда яширин эканлигидадир. Яъни Аллоҳ ўзини борлиқка тажассум этган. Оламнинг сир-ру асрори, илм-у ҳикмати, хислат ва хусусиятлари, қонуниятлари Унинг таззахуридир. Шоир айтади:

کجا او کردد از عالم پیدا؟	حمه عالم به نور اوست پیدا
ندانستی کسی کاین پرتو اوست	نبودی هیچ فرق از مغز تا پوست
حق اندرؤی پیداست پینها <sup>2</sup>	جهان جومله فروغ نور حق دان

Ҳама олам ба нури ўсит пайдо,  
Гужо ў гардад аз олам хувайдо.  
Надонстӣ касе к-ин партави ўст,  
Набудй ҳеч фарқ аз мағз то пўст.  
Ҷаҳон чумла фурӯғи нури Ҳақ дон,  
Ҳақ андар вай пайдосит пинҳон.

**Мазмуни:** Киши билмайдики, бутун олам Аллоҳ жамолидан тарағлан нур мажмуасидир. Ушбу нур Ундан келиб, Унга қайтур. Яъни, фақат У бордир, борлиқ Унинг сояси бўлиб, У ўз сояси ортида яширгандир.

Орифларнинг айтишича, Тангри дунёнинг ҳамма жойида мавжуд. Шундай экан инсон Уни ўз борлиғидан ташқарида излашига ҳожат йўқ. Орифлик мақомига кўтарилимоқни ният қилган толиб дастлаб ўзига, сўнг ўз атрофидаги нарса ва ашёларга бокиб, Худонинг сифотларини таниш, англаш маърифатини тўла эгаллаши шартдир. Аксинча, илми ирфондан бехабар кишилар бу йўлда ўз бошларига ташвиш ортиришдан бошқасига ярамайдилар. Уларнинг Асл манзилга эришиш илинжида чеккан риёзати, ғайрати ва барча хатти-ҳаракатлари бесамар кечади. Чунончи, Шабустарий айтади:

به نور شمع جوید در بیبان	ز هی ندان که او خورشید تابان
کسی سرکشتكى در پیش دارد <sup>1</sup>	کسی کو عقل دور اندیش دارد

<sup>1</sup>Шайх Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 10-11

<sup>2</sup>Шайх Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 14; 12

(Зиҳӣ нодон, ки ў хуршиди тобон,  
Ба нури шамъ жӯяд дар биёбон.  
Касе, к-ӯ ақли дур андеш дорад,  
Басе, саргаштагӣ дар пеш дорад).

**Мазмуни:** маърифатдан бехабар одам қоронгида шам тутиб, даштдан қуёш излаган нодонга ўхшайди. Кимки фақат идрок илми билан Аллоҳни излашга жсаҳд қиласа, у ўз бошига битмас балолар ёғдиришидан нарига ўтолмайди.

Абу Наср Сарроҷга кўра: “Мўмин билан орифнинг орасидаги фарқ шундайдир: мўмин оламга Аллоҳ нури билан боқади, ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлайди. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри илоҳий ила ором олади, ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмайди”<sup>2</sup>. Шабустарий ҳам орифларда кечадиган бу мўътабар туйғуни шундай таъриф этган:

وجود متنق اورا در شهود ست	دل عارف شناسای وجود ست
و یا هستی، که هستی پاک در باخت <sup>3</sup>	به جز هست حقیقی هست نشناخت

(Дили ориф шуносойи вучуд аст,  
Вучуди мутлақ ўро дар Шуҳуд аст.  
Ба ҷуз ҳастӣ ҳақиқӣ аст нашноҳт,  
Ва ё ҳасте, ки ҳастӣ пок дарбоҳт).

**Мазмуни:** орифнинг қалби Мутлақ – жамол кўзгуси, сир-у асрор мазҳари. Ориф оламга қалб кўзи билан назар ташлар экан, фақат мутлақ борлиқни – Ҳақни кўради. Яъни, орифни моддий борлиқ талаблари ва хусусиятлари унчалик қизиқтирумайди. Чунки унинг қалби ва руҳияти Аллоҳга доимий қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам Абу Туроб Нахшабий орифнинг фазилатлари ҳақида фикр юритиб, “Ҳеч бир нарсадан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишиидир ориф”<sup>4</sup>, - деган эди. Демак, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни – меҳрга, зулмни – адолатга, жоҳилликни – маърифатга, нафсни – фаросатга таслим этиш, орифнинг хос хусусиятидир. Орифларга хос ушбу ибратли фазилатлар ҳақида Шабустарий ёзади:

بس از وی حکمت و عفت شجاعت	اسول خلق نیاک آمد عدالت
شره حمچن خمود از وی شوده دور	به عفت شهوت خود کرده مستور
نداراد ظلم از آن خلقوش نکو شد <sup>5</sup>	عدالت چون شعار زات او شد

(Усули хулқи нек омад адолат,  
Бас аз вай ҳикмату иффат, шуҷоат.  
Ба иффат шаҳвatu худ карда маствур,  
Шараҳ ҳамчун ҳамуд аз вай шуда дур.  
Адолат чун шиори зоти ў шуд,  
Надорад зулм, аз он хулқаш накӯ шуд).

**Мазмуни:** барча олий фазилатлар – шиҷоат, иффат, адолат, гўзал хулқ кабилар орифнинг зотига илоҳий кўркдир. Шу сабабдан ҳам у ич-ичдан нурланиб боради. Ношойиста хислатлар унинг ёнига яқинлаша олмайди. Бирорвга зулм қилмаслик, ҳаммага бирдай адолат кўрсатиб, оламга меҳр-муҳаббат нурларини таратиши унинг азалий шиори, қарори ва бароридир.

Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган бўлиб, энг сўнгги мақом орифлар мақомидир. Сиём (парҳез) тутиш, қиём (қойим) туриш ва доимий муроқабага киришиб, жаҳондаги монеълик (тўсик, парда)лардан кўнгилни

<sup>1</sup>Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 10; 12

<sup>2</sup>Ҳаққул И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 83-84

<sup>3</sup>Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 42

<sup>4</sup>Ҳаққул И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.83

<sup>5</sup>Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б.63

покизалашга эришиб, ўзида ва атрофидаги барча нарса, ҳодиса-харакатларда бирламчи асл моҳиятни илғаш орифлик мақомининг талаби ҳамда орифнинг бардавом бажариб борадиган ибратли амали бўлган.

“Гулшани розда” ушбу жаҳоний монеъликларнинг номлари бирма-бир келтирилар ва уларни бартараф этиш чоралари (йўриқлари) хусусида сўз юритилар экан, талаб аҳлини йўл қийинчиликларига бардош бера оладиган даражада тайёргарлик кўришга ҳамда орифлик мақоми ва ҳолига муносиб бўлишга чорлайди:

Техарт қрден аз ۋى حم جهار است	موانع جون درين عالم جهار است
دوم از معسیت وز شر وسوس	نخستین پاکى از احداث و انجاس
که با وى آدميي حمجون بېيمە است	سیم پاکى از احلاق زمیمه است
که اینجا منتهى مى كرددش سیر <sup>1</sup>	جهارم پاکى سیر است از غير

(Мавонеъ чун дар ин олам чаҳор аст,  
Таҳорат кардан аз вай ҳам чаҳор аст.  
Нахустин покй аз аҳдосу анчос,  
Дувум аз маъсият в-аз шарри васвос.  
Сеюм покй аз ахлоқи замима аст,  
Ки бовай одамий ҳам чун баҳима-аст.  
Чаҳорум покии сир аст аз ғайр,  
Ки инжо мунтаҳى мегардадаш сайр).

**Мазмуни:** Шуни билгилки, дунёвий монеъликлар тўрттадир. Уларни орифларга хос тарзда бартараф қилиш йўл-йўриқлари ҳам тўрттадир: биринчиси танингни ва тўнингни ҳамиша тоза тутмоқ, иккинчиси юрагингни пок тутмоқ, учинчиси бузук хулқ ва ахлоқдан – ҳайвоний хислатлардан ўзни ҳимоя этмоқ, тўртинчиси тилни тийиб билиш – сир тутиши демакдир.

Шабустарийнинг эътироф этишича, чин орифнинг мақсад ва матлаби битта – Аллоҳга, Маъшуқи азалнинг жамоли ва висолига иштиёқмандлик, одам ва Аллоҳ муносабати хусусида мушоҳада юритиш демакдир. Яъни, фоний ва боқий дунё ҳузур ҳаловати ҳамда охират завқи ва мукофоти истакларидан кечиб, давомли муроқаба ила покланган қўнгилни, Тангри даргоҳига муносиб даражада ҳозирламоқдир. Чунончи, Шоир айтади:

برون انداز از خود جومله را پاک	وجود تو حمه خارست و خاشاك
به لای نفی کرد او خانه جاروب	کسی کو از نوافل کشت محبوب
نیابد علم عارق صورت عین <sup>2</sup>	ز حستی تا بود باقی براو شین

(Вучуди ту ҳама хор асту хошок,  
Бурун андоз аз худ чумларо пок.  
Касе к-ў аз навофил гашта маҳбуб,  
Балое нафй кард ў хона жорўб  
Зи ҳастй то бувад бокй барў шайн,  
Наёбад илми ориф сурати айн).

**Мазмуни:** Тану жонингни дунёвий тўсиқлар, бандлардан озод қил. Кўнгил хонасини хору хаслар (дунёвий ва уқбовий ҳамиши ва қизиқишилар, монеликлар) дан жаҳд ила поклаб, ҳақиқий дўстга – Мутлақ жамол соҳибига ҳозирла. Шуни билиб қўйки, агар қалб уйида бу хору хаслардан бир заррача қолса, Аллоҳ унга назар солмайди. Орифлик мақомига эришолмайсан.

Шабустарийга кўра, ориф ҳамиша ваҳдат сиридан вокиф бўлиш учун ҳақиқат сари тинимсиз илгарилаб бораётган толибдир. У ҳар он маънан ва қалбан уйғоқ. Шунинг учун ҳам унинг мунаvvар нурга лиммо-лим қалби борлиқ Соҳибининг сирру асроридан боҳабар:

که این جون نقطه و آن دور محیط است	مکر دل مرکز عرش بسط است
-----------------------------------	-------------------------

<sup>1</sup>Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б.43

<sup>2</sup>Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 42-43

وجود پشہ دارد حکمت ای خام<sup>1</sup>

(Магар дил маркази арши басит аст,  
Ки ин нуқта ва он даври мұхит аст.  
Вужуди пашша дорад ҳикмат ай хом,  
Набошад дар вужуд тайр ва баҳром).

*Мазмуни: орифнинг күнгли – Тангри таолонинг тахти. Шу маънода у борлиқнинг марказий нуқтаси бўлиб, барча даврларда ҳодисотлар унинг атрофида турли даражса ва шаклларда қайта-қайта, тақориӣ ҳолда воқеаланаверади. Бироқ қанотдек илоҳий ҳикмат-у маърифат бўлмаганида, пашиша парвоз этаолмаганидек, ориф кўнглидек мислсиз маърифат манбаси – сурру асрор баҳри бўлмаса, шубҳасиз, оламлар ҳам кўк юзини кўрмаган бўлар эди.*

Ориф ўз Маъруфининг жамолини қалбида тоабад сир сақлаши, у билан бардавом бирлашиши учун ҳар дам кўнгул хонасини тозалаб супуриб артиши, руҳияти, шуурини ўзга нарсалардан (тўсиқлар; тўн, тан ва кўнгил кирлиги, пасткашлик, ахлоқсизлик, қўрслик, мансабдор, дунёдор бўлишга, ҳирсга майл ва бошқалар) – касратдан узиш, мосуводан қутилиш мақсадида давомли муроқабага кириб, Ўзда ўзликдан зарра ҳам қолдирмаслик учун курашувчи чинакам ҳуриятпарвар комил инсондир.

Демак, орифлик мақомига юксалиб, Аллоҳнинг зоти, сифоти, исми ва феълларини мушоҳада этмоқ ҳузурига ҳамма ҳам бирдай эришавермаган. Талабгорлар жуда кўп бўлган. Бироқ уларнинг аксарияти турли қийинчилклар ва мاشаққатларга дош беролмай, йўлнинг ярмидан ортига қайтган, йўлдан адашган ёки йўлнинг маълум бир водийсида қолиб кетгандар. Ушбу мушкул синовлардан ўтиб, сараланган кишиларгина кўзланган асл манзилга – орифлик мақомига етиб келгандар. Зоро, Махмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асари мана шу сермашаққат йўлдан юриш одоби, талаб ва қоидалари, Асл манзилга эришганлар – орифлар ҳузури, ҳол ва мақоми хусусида баҳс юритар экан, талаб аҳлини ахлоқан покланиб маънан юксалишга, яъни Асл манзил ва мақсад иштиёқида яшашга илҳомлантириб келаётган ўзига хос бетакрор асардир.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, машҳур рус шарқшунос олими Евгений Эдуард Бертельс ҳам тасаввуф истилоҳлари тадқиқига қаратилинган “Зулф ва юз”, “Хат ва хол” каби илмий мақолаларини ёзишда асосан Махмуд Шабустарийнинг мазкур манзумасига, аникроғи, манзумадаги “юз”, “зулф”, “хат”, “хол” сингари истилоҳлар шарҳланган сатрларга таяниб иш тутган. Уш бу ҳол ҳам “Гулшани Роз”нинг истилоҳлар оламидан баҳс этгувчи нодир асарлардан бири эканлигига ишорат этади:

*Манурс аз ман ҳадиси зулфи пурчин,*

*Мажнунбонид занжисири мажсонин.*

*Наёбад зулфи ў як лаҳза ором,*

*Гоҳи бом оварад, гоҳи кунад шом.*

*Мазмуни: Мендан у жингалакларга тўла соч ҳақида ривоят сўрама, телбаларнинг занжисирини тортиб силкитма. Унинг зулфи бир лаҳза тиним билмайди, гоҳ тонг олиб келади, гоҳ шом қиласиди<sup>2</sup>.*

Хуллас, форсийзабон алломалар наздида ҳам ориф – огоҳ, ошно, хабардор, уйғоқ, англаган ва таниган, тўғри йўлга тушган, ҳолдон, ирфон соҳиби, қалб кўзи очиқ валий. Шунинг учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тандиллик мутлако кўзга ташланмайди.

Шарқ мумтоз адабиётида ўлмас асарлар яратган улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий ҳам айни замонда улкан мутассавиғ эди. Унинг борлиқ ва олам ҳақидаги тушунчалари, қарашлари бой тасаввуфий мазмун билан узвий боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам шоир

<sup>1</sup>Шабустарий М. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 25-26

<sup>2</sup> Е.Э.Бертельс. Зулф ва юз. Таржимонлар: У.Отажонов, А.Ҳабибуллаев // Жаҳон адабиёти. – Тошент, 2005. – Б. 147

ижодиётида ирфоний ғоялар устуворлиги ҳамда тасаввуфий истилоҳларнинг изчил кўлланиши асарларига илохий файз ва куч бағишилагандир. Айниқса, “Лисон ут-тайр”да бу фикр ўзининг ёрқин исботини топган. Унда шоир дин ва ахлоқ, ишқ ва комиллик, фано ва бақо масалаларидан баҳс юритган. Мутассавифларга кўра, борликдаги барча нарсалар; қуёш, ой, ер, осмон, сув, тупроқ, олов, тоғ, тош, ўсимлик ва ҳайвонот олами, даррандаю парандалар барча-барчасининг ҳар бирида Худонинг феъл ва сифатларидан бири мавжуд. Мутлақ ҳақиқат – Аллоҳ шу табиат бағрида, абадий гўзаллик сифатида ўзини намоён этаверади. Бу каби илғор қарашлар ўз-ўзидан маъно аҳлини диний ҳақиқатларга кенг қарашга илҳомлантиради<sup>1</sup>.

Ана шунда диний маҳдудлик ва айирмаликлар ҳам барҳам топади. Навоийнинг таъкидлашича, асл моҳият томон юрган кишининг эътиқодида сабитлик жуда муҳимидир:

دیر کویی بېرلە بىت الله نى	آندا تىنڭ كور كمە و آكاه نى
بۇلسالار معمۇر يَا آشىزدە	بېردىرۇر كر كىبە بېرلە بىتكە
مۇندا ايش سالك كاپس دشۇرۇر <sup>2</sup>	كفر ايلە دىن غە جو تىنگ مقداردور

(Онда тенг кўр гумраху огоҳни,  
Дайр куйи бирла Байтуллоҳни.  
Бирдуур гар Каъба бирла буткада,  
Бўлсалар маъмур ё оташзада.  
Куфр ила динга чу тенг миқдордур,  
Мунда иш соликка бас душвордур).

Сўфийларнинг дунёкарашларида юз берган бундай маънавий илгарилаш ҳолатлари ўзга динларга мансуб бўлган тушунчаларни англатувчи куфр, тарсо, зуннор, бут каби сўзларнинг тасаввуфий истилоҳлар каторидан ўрин олишига бош сабаб бўлган, десак хато бўлмас. Шуни унумаслик керакки, сўфийларнинг нуқтаи назари ва фикр-мулоҳазаларида ҳам фарқ, номувофиқлик, ҳатто ихтилофлар ҳам бўлган. Ошиқ ошиқнинг ҳолини теран идрок айлаши қийин бўлганидек, ориф ҳам орифни осон англайвермаган. Масалан, бир ориф “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Аллоҳни кўрмасам”, деса, бошқа бири “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унда Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошқаси, “Ҳеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “Фақат Аллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Аллоҳ кўринади, У эса кўринмайдиган Аллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган. Бу сўзлар “Лисон ут-тайр”даги “Фил ҳикояти”да ифодаланган кўрларнинг гапларини эслатмайдими? Албатта, эслатади. Чунки кўнгил ҳоли ва мушоҳадаси маърифат сохибларининг ҳаммасида ҳам бир хил бўлмайди. Шу маънода достондаги Шайх Санъон қиссаси чукур тадқиқ ва талқинга лойикдир. Шайх севган малак - тарсо қиз. У нима қилиб бўлса ҳамки кекса ошиғини дину имон йўлидан оздирмоқчи:

کيم شرایطدن بیرى بولدى میان	شوخ ترسا سوز بو نوع ائى بیان
بارجه ماھر شیوه کفر او صافی غە	دیدى مهوش کفر ایلى اشر افیغە
انكا اول ملت نى تعليم ایتیلار	<sup>3</sup> کفرنى ایمانغە تقديم ایتیلار

(Шўхи Тарсо сўз бу нави этти баён,  
Ким шароитдин бири бўлди аён.  
Деди маҳваш куфр эли ашрофига,  
Барча моҳир шева куфр афсофига.  
Куфрни иймонга тақдим эттилар,  
Анга ул миллатни таълим эттилар).

<sup>1</sup>С. Ж. Сажжодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр. 1339. – Б. 200; 205

<sup>2</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 161-162

<sup>3</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн.. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 82

Қалбида тавҳид туйғулари туғён урган Санъон учун барча динларнинг туб моҳияти шиддат-ла ёришаётганди. Шу сабаб ҳам у ўзга дин пешволарининг моҳирона бажараётган мусулмончиликка зид уринишларига қаршилик кўрсатишга ҳам ҳафсала қиласди:

хер ни метлоб اوғисе миңдин аистакиль	دیدی شیخ ای شوخ نی قالدی دیکیل
шияғче башибин аяқ кибидордилар	کفر ایلى خلعتلارین بیتکوردلار
кафер айлаб салак атварни	بیلى کا محکم تانکیب زئارنى
муст қилади седжде بت آلіде ھم	چیکتى لار بىخانە غە خوار و نىزم
ھم قىلېپ مستانە اوزنى بت پرسىت <sup>1</sup>	ھم بولوب جام دىمادم بىرلە مىست

(Деди Шайх: “Эй шўх не қолди дегил,

Хар не матлуб ўлса мендин истагил”.

Куфр эли хильъатларин еткурдилар,

Шайхқа боштин оёқ кийдурдилар.

Белига маҳкам тангиб зуннорини,

Кофири айлаб солики атворини.

Чектилар бутхонаға хору дажам,

Маст қилди сажда бут оллида ҳам.

Ҳам бўлуб жоми дамо-дам бирла маст,

Ҳам қилиб мастана ўзни бутпараст).

Эътибор беринг: юзлаб муридлари ортидан эргашиб юрган ва қанчадан-қанча ўлкаларда донг таратган бир муршид ҳеч иккиланмай "куфр эли"нинг кийимини кийиб, белига зуннор боғлайди. Бу ҳам камлик қилгандек, бутхонага олиб борилганда у маст бўлиб бутга топинади! Бунинг нимаси ибрат? Бу саволга жавоб беришдан олдин айнан куфр, тарсо, зуннор, бут, бутхона, бутпараст каби калималарнинг истилоҳий маъно-моҳияти шарҳланган “Гулшани роз” даги мана бу мисралар билан танишиш мақсадга мувофиқдир:

بدانсты қе ھىن دىن بىت پىرىتى ئىست	مسلمان كىر بىدانستى كە بىت چىست
بە زىر كفر ايمانى است پنهان	درون ھر بىتى جانى است پنهان
شود توحيد عين بىت پىرىتى	چو كفرو دىن بود قايم به حستى
كرا كفر حقىقى شد بىدار	ز عسلام مجازى كىشىتى بىزار
بود زئار بىتن عقدى خدمت <sup>2</sup>	بىت اينجا مظھر عشق است و وحدت

(Мусулмон гар бидонистики, бут чист,

Бидонистики, дин дар бутпарастист?

Дарон ҳар буте жоне аст пинҳон,

Базери куфр иймөне аст пинҳон.

Чу куфру дин бут қоим баҳасти,

Шавад тавҳиди айн бутпарасти.

Зи ислом мажозий гашта безор,

Киро куфр ҳакиқий шуд бадийдор.

Бут инжо мазҳари ишқ асту вахдат,

Буввад зуннор бастани ақди хидмат).

**Мазмуни:** Эй мусулмон, кошки сен бутнинг нималигини-ю, будпарастлик маслагининг қандоқлигини англасанг эди! Шуни билгилки, ҳар бир бутда яширин эсон бордир. Куфр эса қалбда сир тутылган иймөн тымсоли эрур. Ва яна англагинки, агарда куфр ва дин борлиқдан буткул йўқолиб қолса, улардаги асл моҳиятлар бирлашиб бутпараст қалбидан намоён бўлиши ҳам мумкин. Мудом эсда тутгинки, баъзан дин зоҳирлан куфрга айланиб, куфр эса ботинида яширин турган иймөний асрорни ошкор этади. Шуни яхшилаб уқиб олгинки, аслида бут – илоҳий ишқнинг мазҳари, қалбнинг ваҳдатга интилиши бўлса, зуннор боғламоқ – бу йўлда соликнинг садоқат ва яқдиллик билан муршид ёки пири комилга итоат этишидир.

Ушбу китобда яна шундай фикрлар бор:

<sup>1</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн.. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 82

<sup>2</sup>Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 90-91

خلاس از رېقه تقلید ديدم که از روی بتان دارد مظاھر <sup>1</sup> (Зи тарсойи ғарази тажрид дидам, Халоси аз рибқаъи тақлид дидам. Буту тарсобача нури аст бохир, Ки аз рўйи бутон дорад мазоҳир).	ز ترسایي غرص تجرید ديدم بت و ترسابچه نوری است باهر (Зи тарсойи ғарази тажрид дидам, Халоси аз рибқаъи тақлид дидам. Буту тарсобача нури аст бохир, Ки аз рўйи бутон дорад мазоҳир).
--	--

**Мазмуни:** тарсоликда тажрид хусусиятларини кўрдим: мосиводан айрилмоқни ва яна соҳталиклардан, бошқаларга зоҳирлан тақлид қилиши каби маънисиз амаллардан тамоман халос бўлмоқни ҳам. Тарсобача – бутлар юзидан ёғилган илоҳий нурлардан хабар топиб, бу илоҳий тажсалли натижаларини (тажридни) ўз қалбида кашф эта олган зотдир.

Хуллас, мутассавифлар наздида ва истилоҳида куфр – ҳақиқий иймонни тамсил этса, кофир – факирик мақомига эришган орифга ишоратдир. Тасаввуф тилида тарсо – касратни тарк айлаб, дунё ташвишларидан ғолиб келаётган солик бўлса, тарсобача – тажаллиёт ҳамда тажрид сирларидан боҳбар муршид ёхуд пир тимсолидир. Сўфиёна маслакда бут – матлаб ва мақсад, бутпараст – шу матлаб ва мақсадга интилувчи киши бўлса, зуннор боғламоқ – илоҳий мақсад йўлида белни маҳкам боғлашдир\*.

Энди қиссадан келтирилган мисраларнинг ботиний маънолари ҳақидаги фикрларимизни баён этсак:

Истиғно ва тавҳид водийларига хос ҳолларни яшаган Шайх Санъон фақр, сабр ва таваккул каби мақомларга юксалди ҳамда ўзида том маънода факирикни кашф килади. Ваҳдат майи уни янада сархуш, яна ҳам маст этади. Шунда у маъшуқа қўйган илк шартларни ўз-ўзидан бажаришга киришади:

عزم زئار و چليپا ايلابين كويدوروب مصحف بولابين بت پرست جائى ايمان ننکى دين الاي خلاص بت سجودىندا زمين بوس ايلابين اوزدين ايلاى شادمان گفارنى <sup>2</sup>	كفر ديرى اىجرە ماوا ايلابين پېر دير آلیدا ايلاب اوزنى مست عشقى ديرى اىچرە ايلاب اوزنى خاص دير ارا اسماع ناقوس ايلابين بىلکا محكم باغلايان زئارنى
---	--

(Куфр дайри ичра маъво айлайин,  
 Азми зуннорру чалипо айлайин.  
 Пиру дайр оллида айлаб ўзни маст,  
 Куйдурууб Мусҳаф бўлойин бутпараст.  
 Ишқи дайри ичра айлаб ўзни хос,  
 Жонни иймон нангидан айлай холос.  
 Дайр аро асмоъи нокус айлайин,  
 Бут сужудинда заминбўс айлайин.  
 Белга маҳкам боғлабон зуннорини,

Ўздин айлай шодимон куффорини).

Шабустарийнинг юқорида келтирилган мисралари ва уларнинг изоҳларидан кейин Шайх Санъоннинг ушбу гаплари ғайритабий кўринмаганидек, уларни қоралашга ҳам эҳтиёж сезилмайди. Чунки Шайх ранж-у риёзат торта-торта фано водийсига етиб келган ва нафси мосиводан тамомила покланган эди. Фанолик завқ-шавқи уни домига тортар, у эса денгизга кўшилиб – сингиб кетган томчидай ишқ дарёсига чўмишдан шодланарди.

Мутассавифлар истилоҳида ишқ Ҳақнинг зуҳурига асос бўладиган дастлабки сифат<sup>3</sup>. Орифлар бутунлай ишққа ўзини бағишлиб илоҳий жалол ва жамолга ошуфта бўлганни

<sup>1</sup>Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: – Б.96; 100

\* Ушбу истилоҳларни изоҳлашда С. Ж. Сажжодийнинг “Истилоҳоте урафо”( Техрон. Ҳижр. 1339.) китобидан ҳам фойдаланилди.

<sup>2</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 67

<sup>3</sup>Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 47

“Ошиқ” деб атаганлар<sup>1</sup>. Уларнинг наздида зоҳидлар – зоҳиран ўзини дунёдан юз ўғирганини намоён этувчилар бўлса, обидлар – кўп ибодат қиласиган, доимий машғулоти ибодат ва тоат бўлган, қилган ибодатлари туфайли нажот топишига ишонадиганлардир<sup>2</sup>. Бироқ, биргина зоҳидлик ва обидлик расм-русларини адо этиш – нафс балоларидан тамоман қутилиш ёхуд, нафси покка (нафси мулҳама, нафси комилага) эришиб, Ҳақ дийдорига лойик бўлиш дегани эмас. Чунки ўтмишда қилган тоат-ибодатлари ҳурмати ва чеккан риёзатлари шуҳратига бино қўйиб, мовуманлик, шуҳратпарастлик ва худпарастлик каби нафси амморанинг найрангларига алданиб, имонсиз кетгандарнинг сони беҳад кўп бўлган. Хуллас, орифларга кўра қалба Ҳақ ишқи түғён урмаса, қалб чин ошиқ бўлмаса, киши бир дам ҳам “нафси бад”дан халос бўла олмайди.

Дарвоқеъ, “Лисон ут-тайр” достонидаги “Шайх Санъон” ҳикоятини синчилаб ўқий бошлар эканмиз асар бошида Шайх Санъонни ҳам узоқ муддат тоат-ибодатда бўлган, бир неча ўн йиллар мобайнида ислом ва имон учун риёзат чекиб, юзлаб муридларни камолга етказиб, мусулмон оламида шуҳрат қозонган зоҳид, обид-тақводор пир – “Каъбанинг шайхул-машойихи” сифатида тасаввур этамиз:

كونکى غیب اسراریدین آکاه ایدی  
کعبهدا شیخ المشایخ ایردی اول<sup>3</sup>

شیخ صنعن و اصل در کاه ایدی  
خلق ارشادیغه راسخ ایردی اول

Шайх Санъон восили даргоҳ эди,  
Кўнгли ғайб асроридан огоҳ эди.  
Халқ иршодига росих эрди ул,  
Каъбада шайхул-машойих эрди ул.

Хўш, шундай камолотга эришган, олим-у уламо, шоҳ-у гадо, катта-ю кичик барча-барчанинг ҳурмат ва эътиборини қозонган кишида яна қандай эҳтиёж ёхуд камчилик бўлиши мумкин?, -деган савол туғилиши табиий. Худди мана шу саволга тўғри жавоб топиш – Шайх Санъон бошига тушган кулфат ва мусибатлар сабабининг туб моҳиятини аниқлашга имкон яратади. Шу билан бирга достондаги яна бошқа авлиёлар, орифлар ва буюк шахслар ҳақида битилган ҳикоятларни ҳам назардан четлаштираслик керак бўлади. Асарнинг 137-бобидан жой олган Шайх Абу Бакри Нишопурий ҳақида битилган ҳикоятни олайлик. Унда ўқиймиз:

ملک معنی ساری تاپیب ایردی يول  
سیر اوچون اول خطہ معموردین  
خدم و مخلص نهایت دین فزون  
کینی دا آلیده هر ینکلیغ کروه  
کیم آنی مغلوب قیلای اول خیال  
جیققی آندین بیر بیبیک بیل ناکهان  
وجدو رقص ایالب بیقیلیب قیلای عش<sup>4</sup>

Шайх Абу Бакри Нишопурийки, ул-  
Мулки Маъни сори топиб эрди йўл.  
Чиқти бир кун мулки Нишопурдин,  
Сайр учун ул хиттаи маъмурдин.  
Шайхлиғ ойини ғоятдин фузун,  
Ходими мухлис ниҳоятдин фузун.  
..Шайх чун наззора қилди бу шукух,  
Кейнида-оллида ҳар янглиғ гурух.  
Бир хаёле кўнглига тушти маҳол,  
Ким они мағлуб қилди ул хаёл.

شیخ ابو بکر نشاپوری که اول  
چیققی بیر کون ملک نیشاپوردین  
شیخ لیغ آینی غایت دین فزون  
شیخ جون نظاره قیلدی بو شکوه  
بیر خیالی کونکلی کاتوشتی محل  
بو محلدا بیر ایشک ایلاب فغان  
شیخه بو رمزدین وقت اولدی خوش

<sup>1</sup>Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 65

<sup>2</sup>Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 127

<sup>3</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 67-68

<sup>4</sup>А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн.. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 140-141

Бу маҳалда бир эшак айлаб фиғон,  
Чиқти ондин бир бийик ел ногаҳон.  
Шайхқа бу рамздин вақт ўлди хуш,  
Важду рақс айлаб ийқилиб қилди ғаш.

Хуллас, шоҳиди бўлиб турганимиздек, риёзатлар чекиб, маъно мулкини қўлга киритмоқ, барчанинг эътибори ва ҳурматини қозонмоқ билан ҳам иш битмайди. Бунга эришган киши доимий муроқабадан тўхтаса, у шу қозонган шуҳрати соясига суюниб-сиғиниб яшашга маҳкум. Қисқаси нафси аммора – мовуманлик ва шуҳратпарастлик каби иллатлар билан бундайлар қалбини ишғол этишга мудом ўч бўлади. Орифларга кўра бу каби нафсоний хуружларга терс жавоб қайтармай, қўникиб кетаверадиган кимсалар эса, (ким бўлишидан ва қанчалик машҳур бўлишидан қатъий назар) насли-насаби ва тоат-ибодатларини рўкач қилиб, Ҳазрати Одамни назарга илмай, Ҳақ амрига бўйинсунмаган Азозилдан, яъни шайтондан ҳеч фарқи йўқ. Шайх Абу Бакри Нишопурӣ ҳам тезда ўзига қайтмаганида, ёки илоҳий ишоратни илғамай рақс-у само билан муроқабага (қалбини муҳофаза этишга) киришмаганида, нафс уни эгарлаб, ўз марқабига (эшакига) айлантириб, елкасига миниб олиши тайин эди. Мазкур фикрларимизни ҳамсафарлари саволига жавоб тариқида айтган Шайхнинг ушбу сўzlари ҳам тасдиқлайди:

تابعمن دورلار бо ایشدين نفس شوم  
طالب و سالك کا امداد اہلی دین  
نی عبید و نوری و نی بو سعید  
فقر آپینی دا بو خیل و سباء  
بو محلدا اول ایشك بیردی جواب  
باعث بو وجودین اولدی اول ایشك  
باشیدین بیلديک چیقار غای اول خیال  
بو بیلیک دولنقة تاپماں دست رس<sup>1</sup>  
(Чун назар солдимки, ҳалқ айлаб хужум,  
Тобеъйимдурлар, бу ишдин нафси шум.  
Кўнглима солдики иршод аҳлидин,  
Толиби соликка имдод аҳлидин.  
Не Жунайду Шиблийю не Боязид,  
Не Убайду Нурийю не Бу Саид.  
Қайси бир топиб эди эркин бу жоҳ,  
Фақр ойинида бу хайлу сипоҳ!  
Нафс чун кўнглума солди бўйла тоб,  
Бу маҳалда ул эшак берди жавоб.  
Чун жавобим топдим андоқким керак,  
Боиси бул важдим ўлди ул эшак.  
Жой ул бўлғайки, айлаб важду ҳол,  
Бошидин елдек чиқорғай ул хаёл.  
..Йўқса ҳар мағрут, дуни булҳавас,  
Бу бийик давлатқа топмас дастрас”).

Шайх Санъон тақдирида ҳам худди мана шу ҳолат-синов ўзгача кўринишларда юз берса бошлади:

رشته صبرو قرارین او زدیلار	نیجه تون بیر توش انکاکور کوزدیلار
یومسه کوز اول توشاکا اوق تکرار ایدی	اویغانیب حالیغه استغفار ایدی
ایلاسە معلوم اول بوم ایردی روم <sup>2</sup>	کیم مطافی ایردی برم بیکانه بوم

(Неча тун бир туш анга кўргуздилар,  
Риштаи сабру қарорин уздилар.

<sup>1</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 141

<sup>2</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 68

چون نظر سالدیم که خلق ایلاب هجوم  
کونکلوما سالدی که ارشاد اہلی دین  
نی جنید و شبی و نی بازیزید  
قایسی بیر تاپیب ایدی ایرکین بو جاه  
نفس جون کونکلومکا سالدی بویله تاب  
چون جوابیم تاپتیم آنداق کیم کیراک  
جائی اول اولغا که ایلاب وجد و حال  
بوقسه هر مغزور دون بولموس

Үйғониб ҳолига истиғфор эди,  
Юмса күз ул тушга-ўқ такрор эди.  
Ким матофи эрди бир бегона бүм,  
Айласа маълум, ул бүм эрди Рум).

Дарҳакиқат, Санъон бошига тушган бало, унинг бағрини ўртаб бораётган дард ва қалбини ҳамда вужудини чулғаб олган олов – шунчаки тезда даф этиб бўладиган бало, бир даво билан тузаладиган дард ёхуд, жаҳд билан ўчириса бўладиган олов эмасди. Ахир булар ўз оти билан – “ишқ балоси”, “ишқ дарди”, “ишқ ўти-олови”дир. Шу дард билан мудом ҳамнафас бўлган қалб соҳиблари эса Ҳақ васлига лойиқ ошиқ орифлардир. Дардидан йироқлик – ишқида нотавонлик ҳамда мақсадсиз ҳаракат – алдовдир. Бу алдов қанчалик жарангламасин, саратонда жило берган саробдек беманзилдир.

“Алам”, “ғам”, “ўт”, “олов”, “бало”, “дард”, “маломат” бу каби калималарни маъно аҳли баъзан “ишқ” сўзи берадиган мазмунга киёсласалар, баъзида эса ошиқлар ҳаётидаги зиддиятли ўзгаришлар, табиатида юз берган терс аломатлар сабабчиси – аслиятга қараб интилишларнинг бошланиши, Ҳақ йўлида қўйилган илк қадамлар деб билганлар<sup>1</sup>. Демак, айни пайтда Санъон руҳиятида ҳам аслият томон илк амалий ҳаракат, илдамлаш жараёнлари – илоҳий мўжиза кашф бўлаётир. Бу жараённинг талаби ҳар қандай бошқа мақсадлар истагидан қадрли, ҳукми эса қатъийдир. Шу сабабли талаб аҳли қанчалик кийин ва мاشаққатли бўлмасин барча мусибатларга дош бериб, бу амрни вожиб этишга жаҳд этадилар:

диди بولماس بو بلادين احتراز

جون بو توش بولدي مكرر کنج راز

كورمای او لماس اولچه بولمش سرنوشت

کیمسه کا ما وا حرمدور يا کنشت

<sup>2</sup> باشيميز غه هرنى کيلسه يا نصيib

چونکه بولسە بیز کا اول ما وانصيib

(Чун бу туш бўлди мукаррар ганжи роз-

Деди: “Бўлмас бу балодин эҳтиroz.

Кимсага маъво ҳарамдур ё куништ,

Қўрмай ўлмас улча бўлса сарнавишт.

Чунки бўлса бизга ул маъво насиб,

Бошимизга ҳарна келса, ё насиб”).

“Ганжи роз” (сир, сирлар хазинаси) – Шайх Санъон нутқидаги бу калимада мутассавифлар – орифлар, дарвешлар ҳамда ошиқлар қалбида кашф этиладиган ва ўзгалардан махфий сақланиши шарт бўлган, камолот сари бошлайдиган аломатларни тушунганлар<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам руҳият ва қалб билан боғлиқ бу каби илоҳий ишоратларни бошқалардан яшириш, “Сир” тутишни – ошиқ аҳли Ҳақ амрига бўйсунмоқ, ёки ишқида содик бўлмоқ деб билганлар:

کیم آنى ضایع قیلور غه یاووشوب

شیخینیك کونکلی کا سودالار توشوب

<sup>4</sup> واقف او لمای اویل غریب احوال دین

خاصلار ایلاب سوال اول حال دین

(Шайхнинг кўнглиға савдолар тушуб,

Ким ани зойеъ қилурға ёвушуб.

..Хослар айлаб савол ул ҳолдин,

Воқиф ўлмай ул ғариб аҳволдин).

Ошиқ Санъон ҳам қалбида, вужуди-жисм-у жонида, руҳиятида юз очаётган ҳолларни, ўзгаларни лол этаётган ҳайротомуз савдоларни Ҳақ ишқидан ишорат билиб, имкони борича бошқалардан яширишга – сир тутишга ҳаракат қиласа. Шу сабабдан у муридларининг сафар давомидаги барча саволларини жавобсиз қолдиришга мажбур. Аммо, манзилга яқинлашган сари бу ишоратлар – қалбга илашган дардга, рух этагига ёпишган балога, жисму жонга

<sup>1</sup> С.Ж.Сажжодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр.1339. – Б.103

<sup>2</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 68

<sup>3</sup> С.Ж.Сажжодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 205

<sup>4</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 69

туташган оловга ўхшаб борса, ўз аломатларини зохирида намоён эта бошласа, бу сирни қачонгача ҳамсафарлардан яширин тутиш мумкин?

شيخ كونكى دا ولى يوز رستخيز	تا قدم قويديلار اول كشورغه تيز
مئرى اولدى ناكھان بير تورفه دير	هر نفس بير بقעה نى ايلاردا سير
جلوه ايلب اوزكا بير عالم انكا <sup>1</sup>	ضعف مستولي بولوب هردم انكا

(То қадам кўйдилар ул кишварга тез,  
Шайх кўнглида vale յоз рустахез.  
Ҳар нафас бир буқъани айларда сайр,  
Маъри ўлди ногаҳон бир турфа дайр.  
Заъфи муставли бўлуб ҳар дам анга,  
Жилва айлаб ўзга бир олам анга).

Шайх Санъонни шу буткадада ғайбат, важд ва сакр ҳоллари мағлуб этди. Шу сабабдан ҳам у ўзидан кечиб, моддий оламдан йироқлашган. Унинг қалби тамоман ўзини унугиб, менлигини тўла тарк этишга интилиб, буткул покланиб борган. Энди у басийрат кўзларини очиб, борликқа тоза нурли нигоҳ билан назар ташлашга тайёр. Балки у тажалли оламига кириб, маъшуқаи азални излаётгандир.

بير طرف توشتى كوزى بى اختيار	ناظر ايردى هر طرف آشفته وار
بير قوياش قه اول بولوب قوس افق	منظزرى آتىين آسيلغان بير تتق
اول قوياش انوارى توشتى هر ترف	يىلدىن اول برقع چو بولدى برطرف
حسنى شمعى دوريدا پروانه سى <sup>2</sup>	نى قوياش كيم يوز قوياش ديوانه سى

(Нозир эрди ҳар тараф ошуфтавор,  
Бир тараф тушти кўзи беихтиёр.  
Манзаре, ондин осилғон бир тутук,  
Бир қуёшқа ул бўлуб қавси уфук.  
Елдин ул бурқаъ чу бўлди бартараф,  
Ул қуёш анвори тушти ҳар тараф.  
Не қуёшким, юз қуёш девонаси,  
Хусни шамъи даврида парвонаси).

Алоҳида бир ишқ достони сифатида “Лисон ут-тайр” асаридан ўрин олган “Шайх Санъон” ишқи, албатта, мазкур достон мақсадини белгилашда асос бўлади. Навоий бу ишқ ўйлини орифона мушоҳада, ошикона завқ-шавқ билан ёзганлигига шубҳа йўқ. Аслида бу ишқ достони ошиқликдан орифликка, ундан факр-у фанога кўтарилиш босқичини ёрқин ифодалайди. Бу бир улуғ риёзат, кўнгил сафари эканини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Шабустарий ҳам тасаввуфий истилоҳ ва рамзий-ишоравий тимсоллар баҳсидан фикр юритилган “Гулшани роз” асарини ёзаётганида айни шу каби юксак илоҳий туйғулар оғушида бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, ҳар икки асар ҳам фоя ва ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан вобастадир.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ 13-том. – Тошкент: Фан, 1997.
3. А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн.. – Тошкент: Фан, 1965.
4. Е.Э.Бертельс. Зулф ва юз. Таржимонлар: У.Отажонов, А.Ҳабибуллаев // Жаҳон адабиёти. Тошент, 2005. – Б. 147.
5. Ҳаққул И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр-Ўзбекистон, 2009.
7. Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳакида. //Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б.57-58.

<sup>1</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 69-70

<sup>2</sup> А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 70

8. Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952.
9. С. Ж. Сажжодийнинг “Истилоҳоте урафо”. Техрон. Ҳижр. 1339.
10. Ҷебустери. Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari, 1989.
11. Bekova N. Alisher Navoiy adabiy tаддиқида faxriy hirotiy" radoyif ul-ash'or" asarining o'rni //Alisher Navo'i and 21 st century. – 2024. – T. 1. – №. 1.
12. Bekova N., Sayliyeva M. The interpretation of praise in the east literature //Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии. – 2015. – №. 12. – С. 147-151.
13. Jurayevna B. N. Potential of language and artistic art //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – C. 63.
14. Jurayevna B. N., Nuriddinovna X. N. Alisher Navoi's Interpretation Of Asmai Husna In Bilingual Poetry //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – C. 216-222.
15. Bekova N. THE ANALYSIS OF MUKHTARA GAZALS OF NAVOI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 14. – №. 14.
16. Juraevna B. N., Khudoyorova N. Mukhtara-an example of discovery and invention (on the example of Foni's poems) //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2021. – Т. 8. – №. 1. – С. 1463-1469.
17. Jurayevna B. N. A WORTHY RESPONSE TO HAFIZ'S GHAZAL //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 227.
18. Jorayevna B. N., Nigora K. Autonomous Ghazals Of Alisher Navoi //JournalNX. – Т. 7. – №. 02. – С. 1-2.



**Nazora Bekova,  
Buxoro davlat universiteti professori,  
f.f.d.(DSc) (O'zbekiston, Buxoro)  
Bahriiddinova Dilnura,  
BuxDU talabasi (O'zbekiston, Buxoro)  
bekova.nazora@mail.ru  
Telefon va telegram raqami: +99 891 448 71 42**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETIDA SAQLANAYOTGAN QADIMIY  
TOSHBOSMA KITOBLAR TAVSIFI**

**Annotatsiya :** Ushbu maqolada Buxoro davlat universiteti axborot resurs markazidagi nodir kitoblar, noyob va alohida qimmatli toshbosma nashrlar haqida ma'lumotlar berilgan. Buxoro davlat universiteti bosh kutubxonasining tarixiy manbalar bo'limida necha yillardan buyon saqlanib kelinayotgan qadimiylar toshbosma asarlar bugungi kunda o'z qadr-qimmatini yo'qotmay ahamiyatini saqlab kelayotgani yoritib berilgan. Maqolada keltirilgan asarlarda inson turmushidagi hodisalar chuqur amaliy asoslar bilan ijobiy nuqtadan sharhlab berilgan.

**Kalit so'zlar:** toshbosma kitoblar, kitobat san'ati, bosmaxona, manbashunoslik, devon, qo'lyozma nusxa, darslik, nashr.

Kitobat san'ati Sharq madaniyatining qadimiylarini va nodir turlaridan biri. Kitob Sharqda qadimdan izzat-ikromda bo'lgan. Unda Vatan va millat tarixi, ilm, fan sirlari, kishilarning falsafiy va estetik qarashlari, turmush tarzi, orzu umidlari o'z aksini topgan. Sharq kitoblarini sharqona donolik, ma'naviy barkamollik timsoli sifatida e'tirof etadilar. Unda xattot, naqqosh, rassom,